

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БИОЛОГИЯ-ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

ИСКАНДАРОВА САБОҲАТ ХАЙИТБАЕВНА

**ПАРАЗИТ БИР ҲУЖАЙРАЛИЛАР ВА УЛАР КЕЛТИРИБ
ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар:
б.ф.н., доцент
Г.А. Абдурахмонова**

ТОШКЕНТ - 2013

МУНДАРИЖА

	бетлар
КИРИШ	3
I БОБ. ПАРАЗИТЛАРНИ ЎРГАНИШНИ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ	5
II БОБ. ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛИ, УСЛУБЛАРИ	8
2.1. Тадқиқот материали	8
2.2. Содда ҳайвонларни тадқиқот қилиш усуллари	8
III БОБ. БИР ҲУЖАЙРАЛИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТАКСОНОМИК, МОРФОЛОГИК, ЭКОЛОГИК ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЦИКЛИ.	14
3.1. Паразитларнинг таксономик тавсифи, морфологияси	14
3.2. Паразитларни экологик, морфологик тавсифи ва кўпайиши	20
IV БОБ. ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ, ЗАРАРЛАНИШ ДАРАЖАСИ	22
4.1. Паразитар касалликлар билан зарарланиш йўллари	22
4.2. Туман аҳолисини паразитар касалликлар билан зарарланиш даражаси	24
4.3. Шаҳар аҳолисини паразитар касалликлар билан зарарланиш даражаси	26
Х У Л О С А Л А Р	36
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	37

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз томонидан 2012 йил мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши Республикамиз оилаларини янаям мустаҳкам бўлишига замин бўлди. Бу йил эса “Обод турмуш” йили деб эълон қилинди. Бу давлатимизнинг турли давлат, нодавлат, нотижорат ташкилотлари мутасаддилари, айниқса соғлиқни сақлаш ташкилотлари, соҳа мутахассислари олдига катта маъсулият юклайди. Чунки турмушимиз обод, фаровон бўлиши оила аъзоларининг соғ-саломат бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса оналар, болалар, соғлиғига давлат томонидан катта эътибор берилади.

Паразитлар келтириб чиқарадиган касалликларни Тиббий паразитология фани ўрганади. Бир хужайралилар келтириб чиқарадиган касалликлар протозооз ёки паразитар касалликлар дейилади (амёбиаз, лямблиоз, трихоманоз ва бошқа касалликлар).

Паразитизм табиатда кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, иккита бошқа-бошқа турга мансуб организмларнинг бир-бири билан бўлган муносабатларини бир кўринишидир. Паразит ўз хўжайинларида турли хил касалликларни келтириб чиқаради [8].

Микроорганизмлар (вируслар, бактериялар, замбуруғлар) ўзлари учун қулай бўлган муҳитга, паразитликка аллақачон ўтиб олишган. Ҳайвонат оламида паразитизм бир хужайралилар оламидан бошланади [19, 18].

Бир хужайрали ҳайвонлар Protozoa оламига мансуб бўлиб, 39 мингдан ортиқ турни ўз ичига олади. Уларни кўпчилик турлари денгиз ва океанларда, чучук сувларда яшайди. Айримлари тупроқда яшаса бошқалари ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамларда паразитлик қилиб яшашга мослашган.

Паразитизм-содда организмлар орасида кенг тарқалган. Паразит яшайдиган содда ҳайвонлар бир неча мингга ташкил қилади. Содда ҳайвонлар хўжайинларини турли аъзоларида жойлвшади ва уларни зарарлайди. Содда ҳайвонлар орасида одам ва ҳайвонларда турли оғир ўлим билан тугайдиган хасталикларни келтириб чиқарувчи турлари бор. Шунинг учун паразит содда ҳайвонларни ўрганиш муҳимдир .

Содда ҳайвонлар кичик олами беш типга бўлиб ўрганилади. 1. Саркомастигофоралар (Sarcomastigophora). 2. Апикомплексалар (Apicomplexa). 3. Миксоспоридиялар (Micosporidia). 4. Микроспоридиялар (Microsporidia). 5. Инфузориялар (Infuzoria). Булардан апикомплексалар, миксоспоридиялар ва микроспоридиялар типларига кирувчи барча турлари паразитлик қилиб, ҳаёт кечиради. Саркомастигофоралар ва инфузориялар типларига кирувчи бир хўжайрали ҳайвонларни эркин яшайдиган турлари билан бир қаторда паразит яшовчилари ҳам бор [27, 28, 29,].

Мақсад ва вазифалар. Юқорида қайд қилинган паразитар касалликлардан лямблиоз, трихомоноз кенг тарқалганлиги, трихомоноз катталарда, лямблиоз болаларда кўпроқ учраши билан ажралиб туради. Шуларни эътиборга олган ҳолда биз ўз олдимизга М.Улуғбек тумани ва шаҳар аҳолисининг лямблиоз, трихомоноз касалликлари билан касалланиш даражасини ўрганишни мақсад қилиб олдик. Шу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни белгиладик:

- паразитларни аниқлаш усуллари билан танишиш,
- туман аҳолисини паразитар касалликларга қарши планли равишда текшириш ишларида қатнашиш, М.Улуғбек туманида паразитар касалликлар билан касалланиш даражасини аниқлаш,
- шаҳар аҳолисини, паразитар касалликлар билан касалланиш даражасининг кейинги 3 йиллик маълумотларини солиштириб ўрганиш.

І БОБ. ПАРАЗИТЛАРНИ ЎРГАНИШНИ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ.

Содда ҳайвонларни ўрганишда кекса табитшунос, голландиялик микроскоп устаси Антон ван Левенгукнинг (1632-1723) хизматлари катта. Левенгук ўзини ишдан бўш вақтларини катталаштириб кўрсатувчи кўзгуларни шлифовкасига бағишлайди. Натижада оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган майда жониворларни топади ва бу майда жониворларни “animalcula” (1675й.) деб атади. Олим жаҳонда биринчи бўлиб оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган содда организмларни кўради.

Протозоа термини биринчи бўлиб фанга 1820 йилда Голдфус томонидан киритилган.

К.Зиболд ва Кёллекерлар (1845) томонидан содда ҳайвонлар оламини шу термин билан аташ таклиф қилинган. Содда ҳайвонлар XIX асрдан тўлиқ ўрганила бошланди. Бу вақтга келиб, эркин яшайдиган содда ҳайвонлар билан бир қаторда, одам ва ҳайвонларда паразитлик қиладиган содда ҳайвонлар тўғрисида ҳам маълумотлар тўпланди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ турли касалликларни кўзгатувчи бир хужайрали ҳайвонлар (содда ҳайвонлар) топилди. Содда ҳайвонларни замонавий классификацияси Р.Лейкарт (1879) номи билан боғлиқ. У Споралилар гуруҳига грегарина, кокцидияларни қўшиб ўрганишни таклиф қилди.

Бу вақтга келиб, эркин яшайдиган содда организмлар билан бир қаторда паразитлик қиладиган содда организмлар турлари ҳақида ҳам маълумотлар йиғилди.

1856 йили Малмстен томонидан ичак паразити *Balantidium coli* ҳақида маълумотлар келтирилди. 1859 йили Лямб одамнинг ичагидан хифчинлиларни топади ва кейинчалик бу хифчинлига, олим шарафига *Lambia intestinalis* деб ном берилади.

1875 йилда Петербург ҳарбий медицина академияси академиги Ф.А.Лешь дезентерия амёбаси (*Entamoeba histolytica*) ни ўрганади. 1880

йилда Лаверан томонидан одамларда паразитлик қилувчи лейшманиялар, трипанасомалар ўрганилди.

Л.С. Ценковский томонидан содда организмларнинг катта гуруҳи ўрганилди. И.И.Мечников ва В.Т.Шевяковлар ишлари дунё миқёсида тан олинди [8, 21].

В.Л.Якимов чорва молларида паразитлик қилувчи бир хужайрали паразитлардан - гемоспоридоз, пироплазмидоз, трихомоноз, лейшманиоз, токсоплазмоз ва кокцидиоз қўзғатувчиларини ўрганиб, уларга қарши кураш чоралари бўйича тадқиқот ишларини олиб борди.

В.Л.Якимов қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида паразитлик қилувчи бир хужайрали паразитларнинг кўплаб янги турларини аниқлаган ва 500 дан ортиқ илмий ишларини чоп эттирган [11].

Тиббий протозоология ривожланишида малярияни (безгак) ўрганиш муҳим ўрин тутди ва бу бўлим ривожини Е.Н.Марциновский ва унинг шогирдлари номи билан чамбарчас боғлиқ. Касалликнинг хусусиятлари мукаммал ўрганилиб, буни асосида касалликни бутунлай тугатишга эришилди [3, 4].

Н.Н.Латишев тери лейшманиёзини ўрганишда маълум ютуқларга эришган. Т.В.Епштейн, А.А.Филипченколар томонидан ичакда паразитлик қилувчи турли содда организмлар ўрганилган.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида халқаро журналлар, Протозоологлар халқаро жамияти мавжуд бўлиб, содда организмлар ҳақида турли маълумотлар бериб борилади.

МДХ да биринчилардан бўлиб, балиқ паразитларини ўрганишни бошлаб берган олим В.А.Догель томонидан 300 дан ортиқ илмий мақолалар, монографиялар, шу жумладан бир қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этилган. В.А.Догель томонидан чоп этилган “Умумий паразитология” дарслиги бир неча марта қайта чоп қилинди. Дарслик ҳозирги кунгача ўз қийматини йўқотмаган [9, 10].

Ўзбекистонда паразитология фанига оид маълумотлар XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкаси бўйлаб саёҳат қилган машҳур рус табиатшунос олими А.П.Федченко асарларида ҳам учрайди.

Туркистон аҳолиси ипакчилик билан шуғулланиши олимни эътиборини тортади. Москвага келтирган ипак курти тухумларидан пембрина касаллигини қўзғатувчиси *Nozema bobicus* аниқланади. Олим Тошкентда, Самарқандда ипак курти боқувчилари билан кенгашиб, касалликни тугатиш тўғрисида таклифлар киритади [8].

Паразитология тадқиқотларида молекуляр биология, физиология, иммунология, цитология ва бошқа фанлар билан боғлиқ бўлган изланишларга ҳамда паразитларга қарши курашда экологик жиҳатдан зарарсиз воситаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, паразитлар билан улар хўжайинлари ўртасидаги паразит-хўжайин ва филогенетик муносабатлар тадқиқ қилинмоқда [11].

Ўзбекистонда инфекцион касалликлар билан касалланиш тиббиёт ходимлари томонидан яхши йўлга қўйилган. Инвазион касалликлар билан касалланишни ўрганиш анча суст бўлиб, асосан оммавий текширишларда аниқланган паразитар касалликлар даволаш учун тавсия этилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бир хўжайрали ичак паразитлари кам ўрганилгани маълум бўлди. Шуларни эътиборга олиб паразитар протозооз касалликларни ўрганишни мақсад қилдик.

II БОБ. ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛИ, УСЛУБЛАРИ

2.1. Тадқиқот материали

Бир хужайрали организмлар ҳамма ҳаёт циклларида танаси бир хужайрадан тузилганлиги билан кўп хужайралилардан фарқ қилади.

Содда организмлар орасида паразитизм кенг тарқалган. Паразит яшовчи содда ҳайвонлар бир неча минггони ташкил қилади. Содда ҳайвонлар хўжайинларини турли аъзоларида (ичак, тана бўшлиғи, қони, жинсий система ва бошқалар) жойлашади ва уларни зарарлайди. Кўпчилиги хужайра ичи паразитлари ҳисобланади [5].

Содда ҳайвонлар орасида одам ва ҳайвонларда турли оғир, ўлим билан тугайдиган хасталикларни келтириб чиқарувчи турлари бор. Шунинг учун паразит содда ҳайвонларни ўрганиш нафақат зоологияни тиббиёт ва ветеринария, паразитологияни ҳам предмети ҳисобланади.

Бир хужайрали ҳайвонларни (Содда организмлар) протозоология ёки протистология фани ўрганади. Паразит бир хужайралилар томонидан келтириб чиқариладиган касалликлар протозой касалликлари деб аталади [9, 10].

Ушбу малакавий битирув ишини бажариш ишлари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ДСЭН, паразитология бўлими, иммунология ва протозооз касалликлари лабораториясида олиб борилди.

Тадқиқот учун материаллар, мактабгача ташкилот, мактаб ходимлари ва ўқувчиларидан олинди (фекалий, қиринди ва суртмалар).

Олинган материаллар лаборатория шароитида таҳлил қилинди.


2.2. Содда ҳайвонларни тадқиқ қилиш усуллари

Лаборатория шароитида бир хужайралиларни аниқлаш ва ажратиб олиш усуллари билан танишиб чиқилди.

Лаборатория шароитида тайёрланган лямблиянинг бўялган микропрепаратларидан микроскоп орқали паразитни тузилиши ўрганилди.

Дипломонадалар туркуми ичида одам ва итларнинг ингичка ичагида асосан лямблиялар уруғига кирувчи турлар паразитлик қилади. Лямблияларнинг 40 га яқин тури аниқланган. Одамларда кенг тарқалган турларидан бири - *Lambluia intestinalis* хисобланади.

Лямблия ҳаёт циклида вегетатив ҳамда циста кўринишида учрайди. Вегетатив шакли ноксиман бўлади (1-расм).



1-расм. Одамда паразитлик қилувчи – *Lamblia intestinalis* (вегетатив шакл) Internet.


Ичак трихомонадаси одамларнинг йўғон ичагида паразитлик қилади. Қин, яъни сийдик-таносил трихомонадаси аёл ва эркакларнинг сийдик ҳамда жинсий йўлларида паразитлик қилади.

Ичак трихомонадаси одамларда ҳавfli касалликларни келтириб чикармайди, лекин колит касаллигини тезлаштиради. Ичак трихомонадаси ифлосланган овқат ёки сув орқали юқади. Ичак трихомонадасига ташхис қўйиш учун микроскоп остида бемор аҳлатини текшириб, вегетатив шакллари аниқланади [2, 20].

Сийдик-таносил (қин) трихомонадаси кенг тарқалган. Улар эркак ва аёлларнинг сийдик йўлларида паразитлик қилади. Касалланиш аёлларда 20-40 %, эркакларда эса 15 % ни ташқил қилади. Сийдик-таносил (қин)

трихомонадаси шахсий гигиена коидаларига риоя қилмаслик натижасида ва жинсий алоқа вақтида ўтади. Қин трихомонадаси одамларда оғир кечадиган ва қийин тузаладиган касалликларни келтириб чиқаради. Ташхис қўйиш учун беморнинг сийдик ва жинсий йўлларида суртма олиниб, микроскоп остида текширилади.

Оғиз трихомонадасининг патогенлик хусусияти аниқланмаган. Лекин оғиз бўшлиғи ва тиш касалликларига учраган одамларда кўпроқ учраб туради. Шунинг учун стоматология шифохоналарида оғиз трихомонадасини аниклаш усулларида алоҳида эътибор бериш лозим.



2-расм. Арнольдov усулида бўйб тайёрланган препарат (асли).

Лаборатория шароитида Арнольдov усулида бўйланган (2-расм) трихомонада препаратини тайёрлаб паразит аниқланади. Паразитнинг ноксимон шаклдаги танасини олдинги томонида гунафша рангли ядроси жойлашганлиги кўринади. Унинг ёнида бўйига чўзилган ёриққа ўхшаш хужайравий оғизчаси аниқ кўринади.

Танасининг ён томонида хивчини билан чегараланган тўлқинсимон тиниқ пардаси бор. Ядросининг олд томонида хифчинининг асосида блефаропласти бўлади. Тиргак ўқи яхши кўринади. Препаратни текшириб, бўлинаётган трихомонадаларни кўриш мумкин.

Уларни ажратиб олиш ва тахлил қилишни турли усуллари мавжуд:

Сийдикдан томчи тайёрлаш усули

Сийдик йўли шамолашларида албатта қин трихомонадасига текшириш ўтказилиши шарт. Патологик айирмалар аёлларда турли йўллар билан: қин буюм ойначалари, турли тампонлар, жинсий аъзодан турли суртмалар олинади. Эркакларда сийдик чиқариш аъзоларидан томчи олиш орқали ёки сийдик олиб, центрифуга қилинади ва микроскоп орқали текширилади. Барча ҳолатларда айирма 1-2 томчиси натрий хлорнинг тўйинган эритмасидан бир томчи олиб, буюм ойнасида устига ёпқич ойна қўйиб микроскоп орқали кузатилади [2, 20].

Лямблиоз билан касалланган одамларга диагноз қўйишда, ўт суюқлиги анализи ўтказилади. Бунда 12 бармоқли ичак, ўт суюқлиги дуоденал зонд усули билан олинади, буюм ойнасида микроскоп орқали кузатилади. Бундан ташқари анализ учун олинган материал (ўт, 12 бармоқли ичак суюқлиги) центрифуга қилинади ва ҳосил қилинган чўкма микроскоп орқали кузатилади. Бундай усул билан паразитнинг вегетатив шакллари кўриш мумкин.

Фекалий анализи

Фекалийдан ичак содда паразитларини аниқлашда фойдаланилади. Бир хужайрали паразитларни аниқлашда энг муҳими уларнинг ҳаракатини кузатиш. Шунинг учун анализ учун олинган материал (фекалий) янги бўлиши керак. Чиқарилгандан кейин ярим соат ичида иссиқ ҳолда лабораторияга келтирилган материал анализигина яхши натижа беради. Қоидага кўра чиқарилгандан кейин 2 соат давомида текширилиши керак. Материал тоза идишга солинади. Микроскопик кузатилади, таркибида қон,

шиллик йўқлиги, кўринишига баҳо берилади. Кўринишида ўзгариши бор кал анализи биринчи текширилади. Материалдан суртма ва натив препарат тайёрлаб Люголда бўялади [2, 20].

Натив суртма тайёрлаш

Касалдан олинган қон-йирингли фекалий ош тузининг изотоник эритмасисиз аниқланади. Ёғоч таёқча орқали анализдан олиб буюм ойнасига кўйилади. Устига ёпқич ойна ёпиб, микроскоп орқали кўрилади. Ёруғлик тўғри тушганда кичик катталиқда ҳам лямблиянинг циста ва вегетатив шакллари кўринади. Кўриниш аниқ бўлиши учун Люгол билан бўялади. Люгол тайёрлаш: Калий йодид-3г, кристалл йод-1,5г, 100 млл дистирланган сув. Аввал калий йодид, кейин кристалл йод 100 млл, сувда эритилади. Қоронғи идишда оғзи зич беркитилиб, хона ҳароратида 1 ой сақланади.

Трихомонадаларни аниқлашда ҳам материалдан суртма тайёрлаб, Романовский бўйича бўяб, микроскоп орқали кўрилади. 100 млл. дистирланган сув 1% ли натрий корбонат эритмасидан 1-5 томчи, 4 млл. Романовский краскеси билан бўялганда паразит ядролари фиалет рангга киради цитоплазмаси хаворанг, хифчинлари пушти қизил рангга бўялади.

Шульман усули

Бу усулдан фойдаланиб касалнинг фекалийси тахлил қилинади. Беморнинг фекалийсидан гельминт личинкалари ва тухумлари аниқланади. Бунда фекалийга беш баровар сув солинади шиша таёқча билан яхшилаб аралаштирилади. Шиша таёқчани тезлик билан олиб, учида қолган томчини буюм ойнасига ўтказилади. Қопловчи ойна ёпиб микроскоп орқали текширилади. Бу усулдан янги фекалийни текширишда фойдаланиш мумкин.

Берман усули

Бу усулдан фекалийдан гельминт личинкаларини топишда фойдаланилади. 5-10 г фекалий метал сеткачага ўтказилади. Метал сеткача шиша воронкасига сув қуйилиб, сув устига қўйилади. Шиша воронкани учига резина шланг ўрнатилади. Шланг учи қисқич билан қисилади. Паразитлар, уларнинг личинка, тухумлари резина шланг учига йиғилади. 2-4 соатдан кейин зажим олиб, паразитлар шиша пробиркага ўтказилади, Центрифуга қилиниб, чўкмаси микроскоп орқали кўриб, паразитлар тургача аниқланади.

Фюллеборн усули

Бу усул натив суртмаларга қараганда самарали бўлиб, анча мураккаб. Самаралилиги шундаки бу усулда жуда кам миқдордаги тухумларни аниқлаш мумкин. Ош тузидан тўйинган эритма тайёрланади. 400 г эритмани 1 л сув солиб қайнатилади. Оғзи берк идишга солиб сақланади. 30-50 мл ли шиша идишга 2-3 г фекалий солинади, тайёрланган эритмадан солиб, шиша таёкча билан аралаштирилади. Эритма юзасига паразит тухумлари, личинкалари чиқади, уларни (личинка, тухумлари) олиб микроскоп орқали тургача аниқланади [2, 20].

Калантарян усули

Бу усулни Фюллеборн усулидан фарқи, тайёрланадиган эритмаси билан фарқланади. У усулда тузли эритма, бу усулда натрий, азотли эритмадан фойдаланилади. Анализ техникаси ҳам ўхшаш. Фарқи эритма зитчлиги катта бўлиб, паразитларнинг тухум ва цисталари тўлиқ эритма юзига чиқади ва қолдиқни текшириш шарт эмас. Бу усулда эритмани тиндириш вақти ҳам қисқа, 20-30 дақиқа тиндирилади.

III БОБ. БИР ҲУЖАЙРАЛИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТАКСОНОМИК, МОФОЛОГИК, ЭКОЛОГИК ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЦИКЛИ

3.1. Паразитларнинг таксономик тавсифи, морфологияси

Яқин йилларгача содда ҳайвонларни битта типда ўрганилган, ҳозир эса содда организмлар олами бир нечта типларга бўлиб ўрганилади. Паразит содда организмларнинг куйидаги синф вакиллари тиббий аҳамият касб этади [7, 8, 9].

Содда организмлар олами

Саркодалилар	Ҳифчинлилар	Споралилар	Киприклилар
Амёбалар	Лейшмания	Плазмодиум	Балантидий
	Трипанасома	Токсоплазма	Ихтиофтирус
	Лямблия	Саркоциста	
	Трихомонада	Кокцидия	
		Пневмоциста	

Саркомастигофора - Саркомастигофоралар типига эркин ва паразит яшовчи сохтаоёқлилар ва ҳифчинлилар киради. Уларда ҳаракат органоидлари бўлиб, сохта оёқлар, ҳифчинлар ҳисобланади. Баъзида сохта оёқлар ҳам, ҳифчинлари ҳам бўлади. Sarcodina (Саркодалилар) ва Mastigophora (Ҳифчинлилар).

Лямблиянинг систематик ҳолати:

Тун. Саркомастигофора- Sarcomastigophora


Кенжа тун. Ҳифчинлилар - Mastigophora

Синф. Ҳайвонсимон хивчинлилар – Zoomastigophora

туркум. Дипломонадидалар – Diplomonadida

Лямблия – Lamblia intestinalis

Lyambliya одамларда лямблиоз касаллигини келтириб чиқаради. Лаборатория шароитида Лямблия препаратини иммерсион объективли микроскоп билан кўрилади; тана шаклига ҳамда органоидларнинг бир жуфтли бўлиб симметрик жойланишига эътибор қилинади; аксостиль, ядро, ёпишадиган диск ва ҳифчинларини борлиги кўринади (3,4-расм).



3-расм. Одам ичагида паразитлик қилувчи (*Lamblia intestinalis*) лямблиянинг умумий кўриниши ва цистаси. Internet

Дипломонадалар туркуми ичида одамларда асосан лямблиялар уруғига кирувчи турлари паразитлик қилади. Лямблияларнинг 40 га яқин тури аниқланган. Одамларда кенг тарқалган турларидан бири- *Lamblia intestinalis* ҳисобланади. Лямблия ҳаёт циклида вегетатив ҳамда циста кўринишида

учрайди. Вегетатив шакли ноксиман бўлиб, узунлиги 12-15 мкм, эни эса 8-10 мкм.гача бўлади [15, 16].

Танасининг олдинги томонида диск бўлиб, ичак эпителийсига ёпишиш учун хизмат қилади. Танасининг ўртасида иккита таянч ипи-аксостиллар ўтади. Аксостиллар ёрдамида паразитнинг танаси икки симметрияли нимталарга бўлинган бўлиб, ҳар қайсисида биттадан ядро бўлади. Аксостилларнинг олдинги қисмида бир қанча блефаропластлар бўлиб, улар 3 жуфт хифчинларни энергия билан таъминлайди. Тўртинчи жуфт хифчинлар аксостилларнинг орқа қисмида ётади.

Паразитнинг хазм органоидлари бўлмайди. Шунинг учун осмотик йўл билан озикланади. Кўпайиш усули жинссиз, узунасига бўлиниш йўли билан амалга ошади. Лямблияларнинг цисталари овал шаклида бўлади. Етилмаган цисталарда 2 та ядро, етилганларида эса 4 та ядро бўлади.

Касалликнинг белгилари бошқа ичак касалликларининг белгиларига ўхшаш бўлади. Шунинг учун ҳам лямблиозга ташхис қўйишнинг асосий кўрсаткичи паразитларни аниқлашдан иборат бўлиши керак. 12 бармокли ичак суюқлигида паразитнинг вегетатив шакллари бўлади. Беморнинг аҳлат суртмаларини иод билан бўяб текшириш орқали паразит цисталарининг бор-йўқлиги аниқланади. Уларнинг аҳлатлари билан лямблия цисталари ташқи муҳитга чиқиб туради ва ҳафталаб тирик қолиши мумкин.

Трихомонаданинг систематик ҳолати:

Тун. Саркомастигофора- Sarcomastigophora

Кенжа тун. Ҳифчинлилар - Mastigophora

Синф. Ҳайвонсимон хивчинлилар – Zoomastigophora

туркум. Полимастигиналар– Polymastigina

Полимастигиналар туркуми *Polymastigina* паразит хифчинлилардан иборат бўлиб, уларни ўзига ҳос ситематик белгилари мавжуд: хивчинлари 3,

5 ёки ундан ҳам кўп, ўзига ҳос таянч ҳосила-аксостиль бўлиши, цитоплазмасида бир нечта парабазал таначалар-органойдлари, улар Metazoаларнинг Гольджи аппаратиغا ўхшаш бўлади. туркумга бириктирилган оилалар ичида аҳамиятлилари Trichomonadidae вакиллари умуртқасиз, умуртқалиларда паразитлик қилиб, турли хил паразитар касалликларни келтириб чиқаради [21, 8, 9, 10].

Оила Trichomonadidae Wenyon, 1925

Авлод Trichomonas

Буларда 4 тадан 6 тагача хифчинлар бўлади. Битта хифчин танасини орқа томонига қараб йўналган бўлади. Бу оила вакиллари кўпчилиги амфибияларда (*Trichomonas batrachorum*, *T. angusta*), рептилияларда (*T. lacertae*), кушларда (*T. gallinae*-паррандаларда паразитлик қилади), сут эмизувчиларда (*T. muris*-кемирувчилар паразити) паразитлик қилади.

Катта ветеринар аҳамият касб этувчи вакили *Trichomonas foetus* Ridelmiller, 1928 (L -24mkm) йирик шоҳли моллар (урғочи жинсий система йўлларида) да паразитлик қилади. Касалланган қорамолларда наслсизлик, аборт холлари кузатилади [27, 28].

Одамларда Трихомонадаларнинг уч тури паразитлик қилади. 1. *Trichomonas hominis* Davaine, 1860. L- 5-15mkm.

Ичак формаси ичакдаги бактериялар билан озиқланади. Одамга ифлосланган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқади. Йўғон ичакда паразитлик қилади. Ошқозонга тушиб қолганда қолитлар келтириб чиқаради.

2. *Trichomonas vaginalis* (4-расм) Donne, 1836. L-15-30mkm. Қин трихомонадаси патоген хусусиятли ҳисобланади. Асосан айирув системасида паразитлик қилади. Статистик маълумотларга кўра аёллар - 20-40%, эркаклар -15% касалланади. Зарарланиш асосан жинсий йўл орқали ўтади.



4-расм. Қин трихомонадаси. Микроскоп остида кўриниши.

3. *Trichomonas tenax* оғиз бўшлиғида учрайди.

Ичак трихомонадаси (*Trichomonas hominis*) тана тузилиши ноксимон шаклда, тана узунлиги 8-20 мкм. Олдинги томонига қараб 5 та хивчин кетади. Танани бир томонидан узунлиги бўйлаб тўлқинсимон ип, хилпилловчи мембрана ҳосил қилади. Цитоплазмасида ядро, таянч ип кўринади. Фаол ҳаракат қилади. Ичак трихомонадаси циста ҳосил қилмайди. Бўлиниш йўли билан кўпаяди. Одам йўғон ичагида учрайди. Касалланган одам фекалийсида жуда кўплаб топилади.

Trichomonas tenax – тузилишига кўра кўпроқ ичак трихомонадасига ўхшаб кетади. Тана узунлиги 6-13 мкм, хилпилловчи мембаранаси танани охирига бормади. Циста ҳосил қилмайди. Адабиётларда патоген

хусусиятлари ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин оғиз трихомонадаси кўпинча оғиз бўшлиғи касалликлари бор одамларда учрайди (гингивит, парадонтоз, тиш кариеси). Айрим олимлар тадқиқотлари шуни кўрсатдики баъзи ўпка касалликларида балғам таркибида ҳам оғиз трихомонадаси учраган. Шуларни эътиборга олиб олимлар аслида нопатоген деб қаралган бу паразитни янаям чуқурроқ ўрганиш вақти келгандир деган фикрга келмоқдалар.



5-расм. Трихомонадаларнинг умумий кўриниши (Internet).

Trichomonas vaginalis (4,5-расм) қин трихомонадаси ҳам ноксимон тузилишга эга тана узунлиги 14-30 мкм. Танасини олдинги томонида 4 та хивчини бор. Хилпилловчи мембрана фақат танасини ярмигача боради. Тананинг олдинги томонида ядро жойлашган. Тана бўйлаб кетган таянч ип аксостиль тана кейинги қисмида пиғ ҳосил қилади. Цитоплазмада вакуоллари бор. Циста ҳосил қилмайди. Ташқи муҳитда тез нобуд бўлади. Кўпроқ аёлларда учрайди ва уларни сийдик ажратиш системасида турли патологик белгиларни келтириб чиқаради. Эркакларда кўпроқ белгисиз ташувчилик кузатилади [3, 4, 1].

3.2. Паразитларнинг экологик, морфологик тавсифи ва кўпайиши

Бир ҳужайрали ҳайвонлар, номидан кўриниб турганидек, морфологик жиҳатдан танаси битта ҳужайрадан иборат бўлиб, физиологик жиҳатдан мустақил организмни ташкил қилади. Уларда кўп ҳужайрали ҳайвонларга ўхшаб, бутун организмга тегишли барча вазифаларни бажарувчи ҳужайра элементлари (органонидлари) мавжуд .

Содда организмлар тана шакли хилма-хил бўлиб, цитоплазма ва ядро (битта, бир нечта) дан иборат. Ядро икки қаватли мембрана билан ўралган бўлиб, хроматин сақлайди, хроматин таркибида дезоксирибонуклеин кислотаси бўлиб (ДНК), у ҳужайранинг генетик маълумотларини аниқлайди [7, 6, 5].

Кўпчилик содда организмларда ҳужайра доимий компонентларига митохондрий ва Гольджи аппарати киради. Тана юзаси амёбасимонларда ҳужайра мембранаси билан ўралган. Кўпчилик турлари янаям пишик, эластик қобик - пелликула билан ўралади.

Айрим ҳивчинлиларнинг танаси бўйлама фибриллаларнинг пелликула билан қўшилишидан ҳосил бўлган перипласт билан қопланган. Кўпчилик содда организмларда махсус таянч фибриллалари бўлади. Масалан: таянч хилпилловчи фибрилла (трипанасома, трихомонадалардаги тўлқинсимон хилпилловчи мембрана).

Гольджи аппарати -ҳужайра органониди бўлиб, тўрсимон ёки алоҳида ипчалардан иборат, ядро атрофида жойлашиб, ҳужайрада содир бўладиган бир қанча жараёнларда иштирок этади. Митохондрий - (хондросомалар) ҳужайранинг алоҳида органонидлари бўлиб, шакли таёқчасимон, ипсимон, донадор бўлиб, ҳужайрадаги ачиш жараёнларида муҳим роль ўйнайди.

Содда организмлар танасида ҳаётий жараёнларни бажарувчи ҳужайра элементлари органеллалар ҳосил бўлади. Бажарадиган функцияларига қараб, ҳаракат, озиқланиш, айириш ва бошқа органеллалар бўлиб, шартли равишда эркак ва аёл (микро, макро гаметалар) гаметалар дейиш мумкин (анизогам

копуляция - жинсий жараён бўлиб, бунда аёл (макрогамета) ва эркек (микрогамета) жинсий хужайраларини қўшилиши билан боради.

Паразит бир хужайралилар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу уларни яшаш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Содда организмларнинг тўғридан-тўғри юқадиган айрим турларида, бир хўжайиндан, иккинчи бир хўжайинга юқиши ташқи муҳит шароитларини ўзгариши билан боғлиқ бўлмайди. Масалан: *Enthoamoeba gingivalis*, *Trichomonas elongata* оғиз бўшлиғида яшайди [22, 25].

Трихомонадалар икки хил усул билан озиқланади, яъни озиқ моддаларни тананинг бутун юзаси билан шимади - осмотик усулда ёки хужайравий оғиз - цитостом орқали, яъни қамраб олиш усули билан озиқланди. Лекин ҳозирга қадар қин трихомонадасининг цитостоми аниқланмаган. Трихомонадалар узунасига бўлиниб - митоз йўли билан жинсиз кўпаяди. Цисталар ҳосил қилиши аниқланмаган [7, 24].

IV БОБ. ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ. ЗАРАРЛАНИШ ДАРАЖАСИ


4.1. Паразитар касалликлар билан зарарланиш йўллари

Кўпчилик содда паразит ҳайвонларда бир хўжайиндан, иккинчи хўжайинга ўтишнинг махсус босқичлари бўлади. Бу босқич (юқиш олди босқичи) пропaгaт нoмини oлгaн. Ичaк пaрaзитлaридa пpoпoгaтив бoсқич тaшқи мyҳитдa сaқлaнишгa мoслaшгaн. Кўпчилик ичaк пaрaзитлaри, қaлин кoбикқa ўрaлиб цистa ҳoсил қилaди.

Цистa ҳимoя вaзифaсини бaжaрaди. Дизeнтeрия aмёбaси, лямблиялар пpoпoгaтив шaкли - цистa хoлидa, кoкцидиялардa (қaлин кoбикқa ўрaлгaн oтaлaнгaн қиз хўжaйрaси) oоцистa хoлидa тaшқи мyҳитгa чикaди.

